

## Сийрат дарслари (217-дарс) Кеча ва кундуз Аллоҳнинг изнида



19:00 / 10.02.2023 3849

844. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Одам боласи замонни сўкади. Ҳолбуки, замон Менман. Кеча ва кундуз Менинг қўлимда».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда: **«Туни ва кунини айлангириб тураман. Истаганимда қабз қиламан»**, дейилган.

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Яна бошқасида: **«Аллоҳ азза ва жалла деди: «Одам боласи Менга озор беради. Замоннинг дастидан дод, дейди. Бирортангиз замоннинг дастидан дод демасин. Замон Менман. Унинг туни ва кунини айлантириб тураман. Истаганимда қабз қиламан»**, дейилган.

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

845. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни, албатта, ҳақларни ўз эгасига адо қиласизлар. Ҳатто шохли қўйлардан шохсиз қўйлар учун ўч олинади»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

846. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни одамлар орасида биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлардадир»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

847. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ўлганларни сўкманглар, чунки улар қилган амаллари(нинг оқибати)га етиб бўлишган»**, дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида марҳум одамни ёмонлик билан зикр қилишди. Шунда у зот: **«Марҳумларингизни яхшилик билангина зикр қилинглар»**, дедилар».

*Насоий ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

